ХАЛҚАРО САВДОДА ХИЗМАТЛАР ТАСНИФИ

Қодиржонов Адхамжон Мухторжон ўғли
Тошкент Кимё халқаро университети в.б. доценти
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ORCID: 0009-0003-3022-6879

https://doi.org/10.5281/zenodo.14506484

Аннотация. *Сўнгги йилларда халқаро савдода хизматларнинг улуши юқори суръатларда ўсиб бормоқда, ҳамда бу Ўзбекистон каби транспорт ва ташиш имкониятлари табиий омиллар сабабли чекланган мамлакатлар учун жаҳон бозорига самарали интеграциялашувига имкониятлар яратади. Хизматлар соҳасини ривожлантириш, тармоқнинг рақобатбардошлиги ошириш мақсадида мақсадли ислоҳотлар амалга оширилиши талаб этилади. Ушбу ислоҳотлар дастурини мос равишда шакллантириш учун эса алоҳида хизматларнинг хусусиятлари ва тижорий имкониятларини чуқур англаш лозим. Ишда айнан халқаро савдода юқори аҳамиятга эга хизматларнинг таснифи очиб берилган.*

Калит сўзлар: *хизматлар, экспорт, GATT, туризм, транспорт*

Кириш. Иқтисодиёт ривожланиши билан унда хизматлар соҳасининг салмоғи ортиб боради. Халқаро савдо ривожланишининг замонавий хусусиятлари таҳлили ҳам хизматларнинг улуши кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда жаҳон ЯИМининг қарийб 60 фоизи яратилаётган мазкур тармоқ умумжаҳон экспортида 24,4 фоиз улушга эга ва бу рақамлар ўсишда давом этяпти [1]. Шу сабабли хизматлар соҳасини тадқиқ этиш, унинг хусусиятларини ўрганиш, мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиш ҳамда уни давомли ошириб бориш масаласи пировардида аҳоли турмуш фаровонлигига таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий чегаралар кучсизлашиб бораётган бугунги даврда халқаро савдода хизматлар билан иштирок этиш эса янги марралар очилишига ёрдам беради.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Хизматларнинг моҳиятини англаб етиш, унинг турли шаклларига ҳос бўлган хусусиятларини тушуниш, соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда ҳар бир хизмат турининг хусусий жиҳатларини билиш ишланмаларнинг савиясини, самарадорлигини ошириш учун зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “«Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида” Фармонининг қатор бандларида турли хизматлар турларининг экспорт ҳажмини ошириш бўйича вазифалар белгилаб ўтилган[1]. Шу жиҳатдан хизматлар экспортини ошириш чора-тадбирларини тўғри ташкил этиш учун фундаментал маълумотларни тизимлаштириш ва умумийлаштиришни назарда тутилиши танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Тадқиқот мақсади хизматларни таши савдо объекти сифатини таснифи ўрганиш ҳамда алоҳида турларининг хусусият жиҳатларини очиб беришдан иборат. Хизматларнинг

[1] https://lex.uz/docs/6600413

турлар кесимида тўғри англаниши ишлаб чиқилиши лозим бўлган ислоҳотлар дастурининг юқори самарадорлигини таъминлайди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот адабиётлар шарҳи шаклида амалга оширилади ҳамда унда тизимли, қиёсий ҳам аргументатив таҳлил методларидан кенг фойдаланилди.

Асосий натижалар

Хизматлар – иқтисодий муносабатларнинг объекти бўлиб, унинг қуйидаги хусусиятлари товарлардан ажратиб туради [2]:

- номоддийлик;
- заҳиралаш имкониятининг мавжуд эмаслиги;
- ҳаридор ва исътемолчи ўртасида ажралмас бўлиб, кўрсатилган хизмат айни пайтнинг ўзижа исътемол қилинади;
- ўзгарувчанлик, айни хизмат турли вазиятлар ва омиллар таъсирида турлича хусусиятлар намоён қилиши мумкин.

Айнан мазкур ҳусусиятлар хизматларни таснифлашдаги турли ёндашувларни келиб чиқишига сабаб бўлган. Бир қатор халқаро нуфузли ташкилотларда ҳам бу ҳусусида фарқли жиҳатлар мавжуд. Ҳусусан, Европа Иттифоқи статистика хизмати EBOPS 2010 таснифидан фойдаланади[2]. Бу тасниф, шунингдек БМТ ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ҳам қўлланилади. Унга кўра хизматларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ўзгаларга тегишли моддиятларга қиймат қўшувчи хизматлар
2. Таъмирлаш хизматлари
3. Транспорт хизматлари
4. Саёҳат билан боғлиқ хизматлар
5. Қурилиш хизматлари
6. Суғурта хизматлари
7. Молиявий хизматлар
8. Интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи
9. Ахборот ва алоқа хизматлари
10. Бошқа бизнес хизматлари
11. Шахсий, маданий ва дам олиш хизматлари
12. Ҳукумат хизматлари.

Халқаро валюта фонди томонидан EBOPS 2010 классификаторига яқин IMF Balance of Payments Manual 6 қўлланилади, бироқ унга кўра хизматлар 11 йирик гуруҳга ажратилади. Юқоридаги 2 гуруҳ: Ўзгаларга тегишли моддиятларга қиймат қўшувчи хизматлар ва таъмирлаш хизматлари алоҳида хизмат тури сифатида ажратилмаган. Шунингдек, EBOPS 2010 нинг 9 пунктида келтирилган хизматлар алоқа хизматлари ва ахборот хизматлари каби икки алоҳида гуруҳларга ажратилган.

IMF Balance of Payments Manual 6[3] бўйича 11 гуруҳдан 4 таси суб-гуруҳларга ажратилади. Ҳусусан, транспорт ташиш объекти ва транспорт турига қараб таснифланади.

[2] https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=International_Trade_in_Services_statistics_-_background#:~:text=Under%20both%20classifications%2C%20the%20services,for%20the%20use%20of%20intellectual

[3] https://www.imf.org/external/pubs/ft/bop/2007/bopman6.htm

Саёҳат эса сафар мақсадидан келиб чиққан ҳолда, бизнес ва шаҳсийга ажратилади. Бошқа бизнес хизматлари ҳамда Маданий ва дам олиш хизматлари ҳам кичик гуруҳлар кесимида ўрганилади.

Жаҳон Савдо Ташкилоти таснифи[4]да қатор хизмат турлари гуруҳи фарқли равишда келтирилган:

- бизнес хизматлари умумий бир синфга бириктирилган;
- туризм ва сафар билан боғлиқ хизматлар умумлаштирилган;
- молия ва суғурта, банк каби хизматлар молия хизматлари сифатида гуруҳланган.

Интеллектуал мулк ва ундан фойдаланиш Бизнес хизматлари гуруҳида келтирилади. Юқоридаги 3 турдаги тасниф ичида ЖСТ томонидан қўлланилган гуруҳлаш нисбатан самарали ҳисобланади, чунки ундаги бир турдаги хизматнинг бир неча классификатор мезонларига мос келиш эҳтимоли нисбатан паст бўлиб, чегаралар нисбатан аниқроқ шакллантирилган.

Россиялик тадқиқотчи Е.М.Денисова халқаро савдода хизматларни асосий ва қўшимча экспорт хизматлари сифатида 2 гуруҳга ажратишни таклиф этган. Асосий экспорт хизматлари сифатида халқаро бозорда истеъмолчи талабини номоддий кўринишда қондирувчи илмий-техника соҳасидаги алмашинув, техник хизматлар алмашинуви, ижара хизматлари, туризм хизматлари кабилар санаб ўтилган. Халқаро юк ташиш, юкларни суғурта қилиш, юкларни сақлаш каби халқаро савдода товарлар олди-сотдиси жараёнида юзага келадиган хизматлар қўшимча экспорт хизматлари деб аталган [3].

“Норма” эксперти Олег Цой хизматлар экспортидан олинган даромадни солиққа тортиш бўйича эълон қилган мақоласида[5] хизматларни таснифлашда бир қатор мезонлардан фойдаланган. Биринчи навбатда, хизматлар экспорти тушунчаси таърифи келтирилган: Ишлар (хизматлар) экспорти - бу Ўзбекистоннинг юридик ёки жисмоний шахси томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)[6].

Шунингдек, хизматларнинг амалга оширилиши географиясига кўра 2 гуруҳга ажратилган ва бу таснифдан солиқ ҳисоблашда фойдаланилиши кўрсатилган[7]. Агар хизматлар рўйхатда тақдим этилмаган бўлса, уларни реализация қилиш жойини умумий қоида бўйича, яъни - харидор фаолиятни амалга оширадиган ёки турган жой бўйича белгиланади [6]. Шунингдек, хизматларнинг тури – оутсорсинг, ишлаб чиқариш маҳсулотлар сифатини, кўринишини ўзгартириш билан боғлиқ хизматлар ҳам турли синфларга таснифланиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Халқаро савдо таркибида хизматлар салмоғи юқори суръатларда ўсиб бораётгани миллий иқтисодиётлар учун жаҳон бозорига мавуффақиятли интеграциялашув учун янги имкониятлар таклиф қилмоқда. Товар ва хизматлар савдосининг энг асосий фарқларидан бири – ташиш ва сақлашга бўлган эҳтиёж бўлиб, денгиз йўлларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятларига эга бўлмаган Ўзбекистоннинг

[4] WORLD TRADE ORGANIZATION Restricted mtn.gns/w/120 10 july 1991 (98-0000) services sectoral classification list note by the secretariat
[5] https://buxgalter.uz/ru/publish/doc/text163553_nalogooblojenie_eksporta_uslug1
[6] Ўзбекистон Республикасининг 14.06.1991 й. 285-XII-сон "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни (Янги таҳрири)
[7] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (ЎзР 30.12.2019 й. ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган)

халқаро савдодаги фаоллигини ошириш учун хизматлар аҳамияти юқори ҳисобланади. Айниқса, ахборот ва алоқа технологиялари тараққий этаётган бугунги даврда хизматларни жаҳоннинг исталган минтақасига Ўзбекистонда туриб етказиб бериш имконияти мавжуд.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон экспорт салоҳиятини оширишда хизматлар ролини илмий тадқиқ этишда рус тадқиқотчиси Денисова таклиф этган икки гуруҳ алоҳида объект сифатида ўрганилиши тадқиқот ишланмаларининг натижавийлиги таъминлашга хизмат қилади. Биринчидан, хизматларни алоҳида мустақил тармоқ сифатида экспорт объектлари мисолида ўрганиш ва унинг экспорт имкониятларини ошириш масалалари ўрганилса, иккинчи ўринда товарлар савдоси ҳажмини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини кўтаришда қўшимча хизматлар омилига эътибор қаратиш лозим. Айни пайтда, юқорида ўрганилган гуруҳлар кесимида ҳар бири учун алоҳида ёндашув ишлаб чиқилиши, улардаги умумийлик ва фарқли жиҳатларни кенг тадқиқ этилиши муҳим саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Trade in services for development/ The future of trade lies in services: key trends. (https://www.wto.org/english/res_e/booksp_e/trade_in_serv_devpt_chp1_e.pdf)
2. S. R. Rao, “Implications of Unique Features of Services,” Citeman, December 14, 2007, https://www.citeman.com/2519-implications-of-unique-features-of-services.html.
3. Денисова Е.М. Экспорт услуг: Основные тенденции в России/научная статья-Актуальные вопросы экономических наук. 2013.
4. Nkem Anigbogu, “Understanding the Service-Profit Chain,” LinkedIn, March 13, 2018, https://www.linkedin.com/pulse/understanding-service-profit-chain-nkem-anigbogu/.
5. Ўзбекистон Республикасининг 14.06.1991 й. 285-XII-сон "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни (Янги таҳрири).
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (ЎзР 30.12.2019 й. ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган)